



Махмуд ибн Хусайн ибн Мухаммад ал-Кошгари, комусий олим, фикх ва хадис илмининг билимдони. Кошгарда тугилган (санаси номаълум), корахонийлар давлатининг пойтахти Боласогунда яшаган. "Девону луготит-турк" асари (1068) билан туркшунослик фанига асос солган. "Девон"да тилга олинган "Жавохирун-нахви фи лугатит-турки" ("Туркий тилларнинг нахв коидалари") асари бизгача этиб келмаган.

Изоҳли лугат тарзида тузилган асар мукаддимасида турк тилининг грамматикаси (араб тилида) илмий асосда ёритилган. Асарда 9-10 асрларда Марказий Осиёда истикомат килган кабилалар тарихи, маданияти, мавкеи ва одатлари тўғрисида маълумотлар бор. Жумладан, ўгузлар, карлуклар каби йирик кабилалар тарихи алоҳида ёритилган.

"Девону луготит-турк" адабий манба сифатида турк кавмлари томонидан яратилган кўшик, макол, матал ва хикматли сўзларни хам жамлаган, у парчалар кадимги туркий адабиётда лирик ва эпик жанрнинг ривожидан далолат беради. Келтирилган адабий парчалар меҳнат, ёр тавсифи, қаҳрамонлик, эзгуликка даъват, ватанпарварлик мавзуларида, айримлари халк оғзидан ёзиб олинган. Девонда айрим шоирларнинг номлари (мас. Чўчу) учрайди.

Ўзбекистонда асар изоҳ ва таржималари билан тўла нашр этилган, у ҳакда Фитрат, С.Муталлибов, Г.Абдурахмонов, Э.Умаров ишлари эълон килинган.

## Нашр килинган манбалар:

Махмуд Кошгари. Девону луготит-турк (нашр, таржима ва изоҳлар муаллифи С.Муталлибов). – Т.: 1960-63;

Абдурауф Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. — Т.:1927.

## Илмий адабиёт:

Девону луготит турк. Индекс-лугат. Г. Абдурахмонов, С. Муталлибов таҳрири остида. – Т.: Фан, 1967;

А. Каюмов. Кадимият обидалари. — Тошкент, 1971;

И.В. Стеблевая. Стихотворные формы X1 века. – М.: 1971.